Insonga naf keltirish – oliy baxt

Ishonch

2009-yil 10-yanvar № 4 (2573) shanba

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Тадбир

Бола кулгусидан олам чарогон

Янги йил шодиёналарида эзгуликка чорловчи эртак қаҳрамонлари — доно, сершавлат, бағрикенг Қорбобо, меҳрибон, гўзал Қорқиз билан учрашишни, шеър ва қўшиқлар айтиб рақс тушишни болалар беҳад севадилар. Байрамона кайфият уларнинг беғубор қалбидан бир умрга жой олади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамкорликда анъанавий янги йил тадбирини уюштирди.

Янги йилни ота-онаси бағрида эмас, шифохонада кутиб олаётган боланинг кўнглини кўтариб, икки оғиз ширин сўз айтиш, совғалар ҳадя этиш хайрли иш. Байрам муносабати билан Тошкент шаҳридаги бир қатор шифохоналарда даволанаётган 740 нафар болага совғалар тақдим этилди.

— Инсон танасини даволашдан аввал унинг қалбини даволаш, руҳан далда бериш беморнинг шифо топишида асосий ўрин эгаллайди, — дейди Республика болалар суяк сили касалхонаси бош шифокори Зарифа Ҳожимуҳаммедова. — Шифохонада 146 та бола турли вилоятлардан келиб даволанмоқда. Уларга шодлик бағишлаган ташкилотчилардан мамнунмиз.

— Мен 13 ёшдаман. Нукус шаҳридан келдим. Гипсни олишди, юришни аста-секин ўрганаяпман. Кайфиятим яхши, даволовчи шифокорим Фариза Усмоновага раҳмат. Қорбобо совғасидан барчамиз хурсанд бўлдик, — дейди шифохонада даволанаётган болалардан бири Достон Кўбаев.

Бундан ташқари Тошкент шаҳридаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи кам таъминланган оилаларга, қатор ўқув муассасаларига, ногирон болаларни реабилитация қилиш клубларига Тошкент давлат циркидаги янги йил томошалари учун касаба уюшмалари шаҳар ташкилотлари томонидан бепул чипталар берилди.

Болалар учун янги йил тадбирлари, Қорбобо, Қорқиз каби эртак қаҳрамонлари билан учрашувлар Тошкент шаҳар ҳокимлигининг маданият ва спорт ишлари бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Улуғбек ПЎЛАТОВ

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

«Ishonch»га жавоб берадилар

«Мурғакларни аягин, аёз!»

2008 йил 15 ноябр, 139-сон

Мақолада баён этилган муаммо ва камчиликлар юзасидан текшириш ўтказилиб, билдирилган эътирозларнинг барчаси ўринли эканлиги аниқланди. Қўшработ туман марказий шифохонаси томонидан болалар бўлимидаги беморлар бошқа жойга кўчирилиб, бинода таъмирлаш ишлари бошланди. Бўлимга қўшимча 100 дона одеял, 100 дона чойшаб, 100 дона сочиқ берилди. Палаталар ва ошхонага керакли стол, стул ва каровatлар учун буюртма берилди.

Болалар бўлими томонидан 2008 йил январ-ноябр ойларида жами 2.235.125 сўмлик дори-дармон олинган. Йил бошидан даволаниб чиққан беморлар сони 391 нафарни ташкил қилади. Бир беморга ўртача 571 сўмлик дори-дармон харажат қилинган.

Туман тиббиёт бирлашмасининг кир ювиш бўлими 2008 йилнинг 1 ноябридан туман ДСЭНМ тақдимномасига биноан таъмирлаш учун ёпилган.

Болалар бўлими жойлашган ҳудудда табиий газ босимининг пастлиги, электр энергия таъминотидаги узилишларни бартараф этиш мақсадида туман ҳокимлиги ва тегишли идораларга мурожаат қилинди. Қишда газ босими пасайган дамларда муқобил ёқилғига мослаштирилган иситиш қозонларини ўрнатиш ва керакли миқдорда кўмир билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Йўл қўйилган камчиликлар учун бўлим мудири Х.Муродов, катта ҳамшира М.Тиллаева, бўлим бекаси С.Қаршиеваларга ҳайфсан берилди.

А.ИКРОМОВ,
Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари

* * *

Мақола юзасидан Қўшработ туман марказий шифохонаси болалар бўлимида текшириш ўтказилди. Унда кўрсатилган камчиликлар тасдиғини топиб, туман давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врачининг қарори билан бўлим фаолияти тўхтатилди.

Аниқланишича, бўлимда кучланиш ошганда ва авария ҳолатларида электр энергия ўчирилган. Бу борада захира линиясига уланиши юзасидан кўрсатма берилиб, доимий электр энергияси билан таъминлаш чоралари кўрилди.

Бундан ташқари, маъмурият томонидан табиий газ босими ва унинг таъминоти бўйича туман газ таъминоти филиалига мурожаат қилинмаганлиги аниқланиб, зарурий профилактика ишлари амалга оширилди.

Жорий йилнинг ноябр ойида марказий шифохона бош врачи ишонч қоғози бермаганлиги сабабли дорихонага дори-дармон олиб келинмаган. Натижада болалар бўлимида 1-15 ноябр кунлари 11 нафар киши даволаниб чиққан бўлса-да, атиги 1 ампула «Дроперидол» дориси ишлатилиб, қолган дорилар беморлар ҳисобидан олиб келинган.

Катта ҳамшира М.Тиллаева эса бўлимда даволаниб чиққан Ш.Мирзаевнинг ота-онаси олиб келган 2175 сўмлик 15 флакон «Ампициллин»ни муолажа варақасида шифохона ҳисобидан деб кўрсатган, шунингдек, бемор И.Шукуровага 4328 сўмлик 1 флакон «Реополиглюкин-400 мл» дорисини асоссиз харажатга чиқарган. Мазкур дори-дармонлар жавобгардан ундирилди.

Текшириш натижасига кўра вилоят прокуратураси томонидан қонунбузилишларни бартараф этиш учун соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи номига тақдимнома киритилди.

А.ШАМСИҚУЛОВ,
Самарқанд вилоят прокурори ўринбосари,
адлия катта маслаҳатчиси

Қонунбузилишлар аниқланди

Фуқаро Р.Атажановнинг айрим мансабдор шахслар хатти-ҳаракатидан норози бўлиб таҳририятга ёзган аризаси юзасидан текшириш ўтказилди. Хат муаллифининг ўзи раҳбарлик қилаётган «Тошқалъа» фермер хўжалиги ерлари «Тўлғоной момо» фермер хўжалигига инъом этиб юборилганлиги ҳақидаги даъвоси қонуний ҳал қилиш учун туман ҳокимлиги қошидаги ерларни оптималлаштириш комиссиясига юборилди.

Шунингдек, «Тўлғоной момо», «Тошқалъа» ва «Хайтимотай» фермер хўжаликлари фаолиятида қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Жумладан, Бирлашган қишлоғида жойлашган мазкур хўжаликлар раҳбарлари табиий ресурслар, яъни ер ва сувдан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги қонун талабларини бузишган.

Ушбу ҳолат юзасидан қонунбузарларга нисбатан МЖТКнинг 60- ва 200-моддалари асосида маъмурий иш қўзғатилиб, кўриб чиқиш учун жиноят ишлари бўйича туман судига юборилди.

М.АЛЛАМУРАТОВ,
Гурлан туман прокурори, адлия маслаҳатчиси

Айбдор жавобгарликка тортилди

З.Хуррамов ва бошқаларнинг таҳририятга йўллаган хати туман прокуратураси томонидан ўрганилди.

Аниқланишича, «Уста Рўзибой» кичик корхонасига туман ҳокимининг 2002 йил 11 майдаги қарорига асосан бассейн, маиший хизмат кўрсатиш объектлари ва автомобиллар тўхташ майдончаси қуриш учун 0,896 гектар ер ажратилган. Бу ерда 2002-2004 йилларда 50х14 ҳажмдаги, чуқурлиги 2-2,5 метр бўлган бассейн, 2004-2006 йилларда ошхона, шийпон ва 4 хонадан иборат маиший хизмат кўрсатиш бинолари қурилган.

Автомобиллар тўхташ майдончаси қуришга тайёргарлик ишлари эса 2006 йили бошланган. Аммо корхона 2007 йил 7 октябрда «Қашқадарёдонмаҳсулот» ОАЖ билан шартнома тузиб, 1 гектар ерга ғалла экkан ва 2,7 тонна ғаллани давлатга топширган.

Ўзига ажратилган ердан мақсадсиз фойдаланганлиги учун кичик корхона раҳбари К.Худойназаров МЖТКнинг 65-моддаси 1-қисмига асосан маъмурий жавобгарликка тортилди.

Б.ШОВРИҚОВ,
Чирокчи туман прокурори, адлия маслаҳатчиси

Мусоҳаба

Энг асосий мақсадимиз – ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш

Федерация Кенгашининг II ва IV мажлисларида нодавлат сектори тизимидаги корхона ва муассасаларда касаба уюшмасининг янги ташкилотларини тузиш, ходимларни аъзоликка жалб этиш масалалари кўтарилган эди. Мазкур масала юзасидан Федерация Кенгаши Раёсатининг 2008 йил 24 декабрдаги 10-8 сонли Қарорида касаба уюшмалари Марказий, вилоят, туман кенгашлари ва ҳудуд бўйича вакилликлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари томонидан 2008 йилда олиб бораётган ишлари етарли эмаслиги таъкидланган. Мана шундай ҳолатларни бартараф этиш бўйича қандай тавсиялар ишлаб чиқилди? Қандай тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда? Шу каби саволлар билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг юридик бўлими мудири Абдусалом Рискуллаевга юзландик.

– Нодавлат сектори тизимидаги айрим корхона ва муассасаларда ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини ҳимоячиси бўлган касаба уюшма ташкилотини тузилишига тўсқинлик қилиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бундай ҳолатларни бартараф этиш мақсадида муайян тавсиялар ишлаб чиқдик. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қўлланилишини эътиборга олиб қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасида меҳнатга оид муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа келишувлари, шунингдек, жамоа шартномалари ва бошқа локал норматив ҳужжатлар билан тартибга солиниши.

Иккинчидан, мазкур Кодекснинг 4-моддаси 1- ва 2-қисмларида эса ходимлар учун меҳнат ҳуқуқларининг ва кафолатларининг энг паст даражаси қонунлар билан белгилаб қўйилиши.

Қонунлардагига нисбатан қўшимча меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари бошқа норматив ҳужжатлар, шу жумладан шартнома йўсинидаги ҳужжатлар (жамоа келишувлари, жамоа шартномалари, бошқа локал ҳужжатлар), шунингдек ходим ва иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномалари билан белгиланиши мумкинлиги.

Учинчидан, 37-моддасининг 3-қисмида жамоа шартномасида корхонанинг иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда бошқа шартлар, шу жумладан қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган нормалар ва қоидаларда кўрсатилганига қараганда имтиёзлироқ меҳнат шартлари ва ижтимоий-иқтисодий шартлар (қўшимча таътиллар, пенсияларга тайинланадиган устамалар, муддатдан илгари пенсияга чиқиш, транспорт ва хизмат сафари харажатлари учун компенсациялар, ходимларни ишлаб чиқаришда ҳамда уларнинг болаларини мактабда ва мактабгача тарбия муассасаларида текин ёки қисман ҳақ тўланадиган тарзда овқатлантириш, бошқа қўшимча имтиёз ва компенсациялар) ҳам киритилиши мумкинлиги.

Тўртинчидан, 153-моддасининг 2-қисмида меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар жамоа шартномаларида, шунингдек иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал ҳужжатларда белгиланиши тартиби киритилган.

Яъни, иш берувчи ходимлар билан меҳнатга оид муносабатларни тартибга солишда албатта вакиллик органининг фикрини назарда тутишининг шартлиги, улар олдидаги мажбуриятлари, улар билан келишиши ёки маслаҳатлашиши каби нормалар Меҳнат кодексида қоида шаклида ўз аксини топган. Масалан: Иш берувчининг ходимларнинг вакиллик органлари олдидаги мажбуриятлари (24-модда), музокаралар олиб бориш ҳуқуқи (31-модда), иш берувчининг ходим розилигисиз меҳнат шартларини ўзгартириш ҳуқуқи (89-модда), ходимнинг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш (94-модда), иш берувчининг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш (95-модда), меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишни касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб олиш (101-модда), меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тўғрисида огоҳлантириш (102-модда), ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг қисқартирилган муддати (117-модда), иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш (123-модда), дам олиш кунларида ишга жалб этишнинг чекланиши (130-модда), байрам (ишланмайдиган) кунлари ишга жалб этишнинг чекланиши (132-модда), меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишлар учун бериладиган йиллик қўшимча таътил (137-модда), таътилларни бериш вақти ва навбати (144-модда), меҳнат ҳақи миқдорини белгилаш (153-модда), иш вақтидан ташқари ишлар ҳамда дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун ҳақ тўлаш (157-модда), тунги вақтдаги иш учун ҳақ тўлаш (158-модда), яроқсиз маҳсулот тайёрланганда ва бекор туриб қолинган вақт учун ҳақ тўлаш (159-модда), корхонада меҳнат тартиби (174-модда), ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори (194-модда), ходимнинг махсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлиги учун тўлиқ моддий жавобгарлиги (203-модда), меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига ажратиладиган маблағлар (216-модда), ходимларни сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш (217-модда), болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар (236-модда), меҳнат низолари комиссиясининг қарори (265-модда) ва янги меҳнат шартларини белгилаш ёки мавжуд шартларни ўзгартиришга доир низоларни кўриб чиқиш (280-модда) тўғрисидаги нормалар шулар жумласидандир.

Демак, ҳар қандай бошланғич вакиллик органи иш берувчи томонидан киритган (келишиш, розилик бериш ва ҳ.к.) ёки ўзи қабул қилган локал ҳужжатларга қўл қўймоқчи бўлса, у рўйхатдан ўтказилган юридик шахс фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиши зарур (Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Ўзбекистон Республикасида Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги ва «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунлари).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, иш берувчи ходимларга қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган нормалар ва қоидаларда кўрсатилганига қараганда имтиёзлироқ меҳнат шартлари ва ижтимоий-иқтисодий шартларни киритмоқчи бўлса, албатта қоида сифатида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб, локал ҳужжатларни қабул қилиши мумкин. Шундан кейингина бу қўшимча имтиёзлар бўйича тўланадиган тўловлар қонуний ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхоналар, муассасалар, ташкилотларда бошланғич вакиллик органи ташкилотини тузилишига тўсқинлик қилиниши, юқорида қайд этилган нормаларни бажармасликка, меҳнат муносабатларида ходимларни меҳнат ҳуқуқларига эга бўлишида ва улардан фойдаланишида тенг имкониятларга эга бўлмасдан, камситилишига олиб келади (МКнинг 6-модда).

Жойларда бошланғич касаба уюшма ташкилотини тузиш ва ўз аъзоларини меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш эса бизнинг асосий вазифаларимиздир.

Суҳбатни «Ishonch» мухбири Дилдора РАҲМОНОВА ёзиб олди

Чорва қишлови

Қиш қаҳри писанд эмас

дейишмоқда конимехлик чорвадорлар

Ўтган йили аёзли кунларнинг узоқ давом этиши чорва қишловида бир қадар қийинчиликларни юзага келтирган эди. Хўш, айни дамда чорвадорлар, айниқса, марказдан олис ва чўл шароитида меҳнат қилаётган чўпон-чўликларнинг кайфияти қандай?

Конимех туманига бўлган сафаримиз давомида ушбу саволга имкон қадар жавоб топишга ҳаракат қилдик.

Аввало айтиш керакки, 7 та чорвачилик ширкат хўжаликларидан таркиб топган соҳа фидокорлари марказдан анча олисда жойлашган бўлиб, «Абай», «Қизилқум» хўжаликларигача бўлган масофа 280-300 км. кенгликни ташкил этади. Ҳозирга келиб бу майдонларда 275.787 бош қўй, 1242 бош йилқи, 1342 бош туя ва қисман қорамол парваришланмоқда.

— Ўтган йили қишнинг ҳаддан ортиқ чўзилганлиги боис, омухта ем таъминотида баъзи етишмовчиликлар бўлди, — дейди туман ҳокимлиги қишлоқ хўжалик бўлими бошлиғи Зейнетбек Муратов. — Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда туман ҳокимлиги тезкор чора-тадбирлари натижасида вазиятдан талофатсиз чиқиб олинди. Бу йилги тайёргарлигимиз мутлақо бошқача. «Қиш ғамини ёзда е», деганларидек, ҳар бир масалага алоҳида эътибор билан ёндошилди. Кўзда тутилган 45.093 тонналик захира беда пичани, сомон ва табиий хашак тўлалигича саранжомлаб олинди.

Бугунги кунда омухта ем масаласида муаммо йўқ. «Ем бошқармаси» туман шохобчалари 7 манзилда иш юритаётир. Ўтган йилнинг октябр ойида 5725 тонна озуқа истеъмолчиларга етказиб берилди. Ишнинг кўзини билган хўжаликлар меъёрдагидан 1,5-2 баробар кўп озуқа ғамлаб қўйишган. Олис ҳудудда жойлашган «Абай», «Сарибел», «Қизилқум» ширкат хўжаликларида бугун 400-450 тоннагача захира мавжуд.

Бундай маълумотлар кишига таскин беради, албатта. Аммо, чорва қишловини беталофат ўтказиш учун булар камлик қилади. Айнан шунинг учун ҳам чўпон-чўликлар ва уларнинг оилалари учун иссиқ кийимлар, шунингдек, ун, пахта ёғи, шакар, гуруч сингари озиқ-овқат маҳсулотлари отарларга етказиб берилмоқда.

Туман ветеринария лабораторияси раҳбари Низом Исмоиловнинг таъкидлашича, парваришланаётган қўйларнинг 163.157 таси совлиқ қўйлардир.

— Наслли қўйларнинг яхши парваришланиши соғлом қўзи туғилишининг асосий манбаи саналади, — дейди у. — Шунинг учун улар бруцеллёз, чечак, куйдирги ва бошқа касалликларга қарши эмланади. Қўшни туманлардан зотдор қўчқорлар сотиб олиб, наслчилик борасида ҳам қатор изланишлар олиб бормоқдамиз. Бу борада Республика Ветеринария бош бошқармасининг кўмаги катта бўлаётир.

Туманда чорва билан шуғулланувчи 105 та фермер хўжалигида бугун иш қизғин. Қишни беталофат ўтказиб олиш учун барча чоралар кўрилмоқда.

А. МАНСУРОВ

Фаоллар ҳақида ҳикоялар

Жонкуяр, фидойи етакчигина жамоа назарига тушади. Борини бозор киладиган эмас, йўқдан бор киладиган, меҳнаткашлар ҳакли талабини ҳаққоний қабул киладиган етакчилар оз эмас.

Нарпайлик раис

Маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича вакили Сайфулло Раҳимов мавжуд 95 та бошланғич ташкилот сардорларининг аксари ана шундай фидойилигини қайд этди. Улардан бири Нарпай туман тармоқ касаба уюшма етакчиси Шавкат Меликуловдир. Ёш етакчининг фазилати — ором билмасликда, вазифасига содикликда. Соҳа ходимлари қаторасига учинчи бор унга ишонч билдиришгани ҳам бежиз эмас.

Тумандаги мусиқа мактаби муаллими Рамила Шодиева дардга чалинди. Саломатлигини тиклаш, даволанишга кўп елиб-югурди. Ана шундай шароитда касабақўм унга елкадош бўлди. Кўпчилик далдаси ходимнинг сафга қайтишига кўмак берди.

— Кенгашимиз таркибида 2 та бошланғич ташкилот бор, — дейди Шавкат Мелиқулов. — Бу жуда оз, албатта. Ҳаракатни бўшаштирмаяпмиз. Бир йилда бир миллион уч юз, бир ярим миллион сўм атрофида маблағ топамиз. Ана шу маблағнинг барчаси ходимлар ижтимоий-иқтисодий ҳимоясига сарфланади.

Дарҳақиқат, ходимлар иш шароитини яхшилаш, дам олишини ташкиллаштириш, турли тадбирларни ўтказиш касаба уюшманинг асосий вазифасига айланган. Меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларини соғломлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти. Ўтган йилда меҳнаткашларнинг фарзандлари вилоятдаги турли оромгоҳларда дам олдирилди. Барча сарф-харажатларни касаба уюшмаси кўтарди. Соҳа ходимлари спартакиадаси ташкил этиб, касаба уюшма ҳомийлик қилди. Тармоқда ишловчиларни йилда бир маротаба тарихий обидалар, муборак қадамжолар зиёратига олиб бориш анъанага айланган.

Тармоқ ходимлари ўртасида ҳуқуқий маданиятни ошириш, «Соғлом она, соғлом бола» мавзуидаги семинарлар ташкил этиб келинаяпти. Иш берувчилар билан тузилган жамоа шартномасининг барча бандлари бажарилиши таъминланаяпти. Ҳомиладор аёлларнинг иш соатлари маоши сақланган ҳолда ҳафтасига бир соатга қисқартирилган. Аёллар ва ёшларни оғир меҳнатларга жалб этишга барҳам берилган. Иш пайтида жароҳатланишнинг олдини олиш, хавфсиз иш ўрни яратишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Қолаверса, касаба уюшмаси ҳам бу борада назоратни кучайтириб бормоқда.

Хуллас, олма пиш, оғзимга туш, дея сукут сақлаш, шароитни рўкач қилишдек одат унга бегона. Ана шу хислатлар етакчига обрў келтираётир.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Меҳнат муҳофазаси

«Йўлрефтранс» ОАЖ корхонасининг таъмирлаш-тайёрлаш цехида шу куни пайвандчилар Турсунбой Кенжаев, Соли Суяров кора терга тушиб меҳнат қилишди. Тушликдан кейин иш янада кўпайди. Т.Кенжаев ўзига ажратилган вагоннинг олд томонини, С.Суяров эса ўнг томонини кесишга тушишди. Эҳтиётсизлик оқибатида вагоннинг кесиб олинган олд томони тўсатдан қулаб, Т.Кенжаевни босиб қолди.

Фалокат оёқ остида

Ишчига зудлик билан биринчи тиббий ёрдам кўрсатилди ва шифохонага жўнатилди. Муолажалардан сўнг Турсунбой ўзини анча яхши ҳис этди. У ўз раҳбарларини аядими ёки бошқа сабабга кўрами, ишда эмас, уйда жароҳатландим дея шифокорларга нотўғри кўрсатма берди.

Аммо аксига олиб соғлиги оғирлашиб, роппа-роса бир ой шифохонанинг жонлантириш бўлимида ётиб даволанишга мажбур бўлди. Жабрланувчи шундан сўнггина бор гапни рўй-рост айтди.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси Давлат меҳнат техника инспекцияси томонидан «Йўлтранс» ОАЖ корхонасида текширув ўтказилди. Текшириш жараёнида корхонада Вазирлар Маҳкамасининг «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган Низом талаблари қўпол равишда бузилганлиги аниқланди. Бунинг устига «Ўзбекистон Темир йўллари» ДАТК маъмурияти томонидан тасдиқланган «Меҳнатни муҳофаза қилиш борасида ишни ташкил қилиш тўғрисида»ги Низом талаблари ҳам тўлалигича ижро этилмай келинган. Хизмат жойларида ишларнинг хавфсиз бажарилишини таъминлаш, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш бўйича йўл-йўриқлар берилмаган. Пайвандчиларга топширилган иш тўғри тақсимланмаган. Қоидага кўра вагоннинг барча томонлари кесиб бўлингандан кейин темир устунлари кесилиши керак эди. Бунга риоя этилмаганлиги Т.Кенжаевга қимматга тушди ва у юз берган бахтсиз ҳодиса туфайли меҳнат қобилиятини йўқотиб, ногирон бўлиб қолди. Т.Кенжаевга бир йиллик ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда товон пули ҳамда меҳнат қобилиятини йўқотганлик фоизига қараб, ҳар ойда зарар пуллари корхона ҳисобидан тўлаб борилиши қатъий белгиланди.

Меҳнат қонунчилиги талабларига риоя этмаган корхона бош муҳандиси А.Бурсеитов, цех бошлиғи Т.Эргашев, цех устаси Н.Сейташовлар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Учқўрғон туманидаги 6-мактаб-интернат ўқувчиси Фарҳод Ҳайдаров ўтган йили Испанияда бўлиб ўтган бутунжаҳон ёш математиклар олимпиадасида учинчи ўринни эгаллади.

Мадрид олимпиадаси ғолиби

Элликдан ортиқ давлатдан ташриф буюрган ўнлаб ёшлар орасида ана шундай фахрли ўринни олиш осон эмас.

— Гапнинг рости Фарҳоджоннинг шундай катта муваффақиятни қўлга киритишига кўпчилик ишонмаганди, — дейди устози Тоҳиржон Қамбаралиев. — Ҳатто ўқувчимизни халқаро ёш математиклар беллашувига юборишда иккиланганлар, унинг қобилиятига ишонмаганлар бўлди. Сўнгги бор фикримни сўрашганида Фарҳоджондаги истеъдод туғма эканлигини, у ҳар қандай шароитда ишончни оқлашга қодирлигини айтдим...

Т.Қамбаралиевнинг таъкидлашича, Фарҳод бошланғич синфлардан математика фанига алоҳида ихлос қўйган. Туман мактаб ўқувчилари орасида биринчилардан бўлиб ноутбукда ишлашни ўзлаштирган. У мактабга келганида аллақачон карра жадвалини ёд билар, бармоқлари ёрдамида кўплаб математик ўйинлар, ҳисоб-китобларни ўйлаб чиқариб, ўртоқларига ҳам ўргатар, математик ўйинлари билан муаллимларини қойил қолдирарди. Синфдан-синфга юқорилаган сайин бу йўналишдаги қизиқиш пасайиш ўрнига ортиб борарди. Ниҳоят синфлараро, мактаблараро беллашувлар ортда қолиб, туман ва вилоят миқёсидаги мусобақаларда ҳам иштирок этадиган, уларнинг деярли ҳаммасида ғолибликни қўлга киритадиган бўлди. Унинг Тошкентда ўтказилган қатор беллашувларда олдинги ўринларни эгаллабгина қолмай халқаро турнирларда ҳам иштирок этиб, тенгдошларини мағлуб этаётганлиги кўпчиликда Ф.Ҳайдаровга нисбатан умид уйғотди.

— Яна шу нарса диққатга сазоворки, Фарҳоджон математика билангина чекланиб қолмасдан, — дея суҳбатни давом эттирди Т.Қамбаралиев, — тилларни ўзлаштиришга ҳам меҳр қўйган. Рус тилини пухта билади. Инглиз тилида гаплаша олади. Тарихга қизиқади.

— Ўтмишда алломаларимиз кенг қаровли билимга эга бўлишган, — дейди Фарҳод. — Кўпчилик Умар Хайёмни буюк шоир, рубоийлар устаси сифатида билади. Ҳолбуки, Умар Хайём математика бўйича машҳур олим бўлган. Беруний ҳам математик, ҳам географ сифатида танилган. Улуғбек эса дунё тан олган фалакиёт алломаси бўлиш билан бирга дилбар ғазаллар ёзган, математик масалалар ижод қилганки, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ушбу олимпиада мен учун чинакамига жиддий имтиҳон бўлди. Чунки бу ерга математика келажаги, космонавтика ва кибернетика, эҳтимоллар назарияси, умуман, истиқболдаги аниқ фанлар оламининг бўлажак устунлари йиғилган эди. Устозим Тоҳиржон Мамадалиев билан биргаликда кўрган тайёргарлигимиз беҳуда кетмади. Бу фаннинг мураккаб соҳалари бўйича берилган саволларнинг деярли барчасига тўғри жавоб қайтаришга муваффақ бўлдим.

Фарҳод Ҳайдаров тимсолида ўз қобилиятини намойиш этишга қодир, буюк алломаларимиз ишларининг ворислари шаклланаётганини кўрдим.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ishonch» мухбири

Мухбир муаммо кўтарди

Маданият масканлари қандай ишлаяпти?

Аҳолининг бадиий-эстетик дунёқарашини шакллантиришда маданият масканлари катта ўринни эгаллайди. Айни пайтда, Қашқадарёда Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов номли мусиқали драма ҳамда вилоят болалар қўғирчоқ театрлари, «Мулоқот» театр студияси, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг ҳудудий бўлими, «Ўлкани ўрганиш музейи», «Ўзликни англаш маркази», 18 та халқ ашула ва рақс ансамбли, 6 та маданият ва истироҳат боғи ва бошқа маданий-оқартув муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Мавжуд 121 та клубнинг 116 таси қишлоқларда жойлашган. Уларда 400 дан зиёд ходим меҳнат қилади.

Қамаши туман марказидаги маданият уйи, Миришкор тумани Помуқ қишлоқ клуби ҳузуридаги «Сарвиноз», «Асрлар садоси» халқаро фестивал ғолиби Китоб туман маданият уйининг «Ризвонгул» фольклор-этнографик ансамблларидан довруғи бутун мамлакатга таралган.

Қарши шаҳрининг «Тарона», Шаҳрисабзнинг «Шодиёна», «Тоғ гули», Чироқчининг «Олтин қўллар», «Чироқчи чироқлари», Яккабоғнинг «Дил навоси», Ғузорнинг «Наргиз», Косонннинг «Хумо», Деҳқоноднинг «Тоғ гўзали», Мубораknинг «Занжирсарой» халқ этнографик дасталари намунали хизмати билан эл эътиборига тушган.

Бозор иқтисодиёти муаммоларини бартараф этиб, қишлоқ аҳолиси хизматини адо этаётган Қарши туман маданият ва спорт ишлари бўлимига қарашли Кожар, Нуқрабод ва Бешкент қишлоқ маданият уйларининг намунали хизматидан томошабинлар мамнун. Тумандаги «Момагул» фольклор этнографик ансамбли бир неча бор халқаро кўрик-танловлар ғолиби бўлган.

«Санъат ғунчалари», «Ниҳол», «Ёш истеъдодлар», «Ҳур Ватан чечаклари», «Келажак овози», «Янги авлод — 2008», «Кулгуларинг оламни тутсин, болажон» каби кўнгилочар тадбирлар ўзининг қизиқарлилиги билан ажралиб туради.

Деҳқонобод туманининг Тоғайтемир қишлоғи қирларида «Бахшили эл ботирларни унутмас» ёш бахши шоирлар беллашуви воҳа халқ оғзаки ижодиёти ривожида муносиб ўрин эгаллаган бўлса, «Ўзбекистон маданияти ва санъати» форуми ташкил этган ва Китоб туманининг «Қайнарбулоқ» қишлоғидаги Қоратоғ адирларида ўтказилган «Асрлар садоси» халқаро фестивали вилоятнинг ижтимоий-маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Жиззах вилоятининг «Зомин сайқали», Фарғона вилояти Қува туман маданият уйининг «Анор», Навоий шаҳар «Фарҳод» маданият саройи қошидаги «Сардоба», Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туман «Тарона» ансамблари, Учкўприк тумани маданият уйи қошидаги Муҳиддин Дарвишев номли аскиячи ва қизиқчилар жамоасининг қашқадарёликлар ҳузурида чиқишлари киши-ларнинг миллий маданиятимизга қизиқишини янада кучайтирди.

Бундай оммавий маданий тадбирлардан касаба уюшмалари ҳам четда қолгани йўқ. Айниқса, Нуристон қўрғонидаги Амир Темур номидаги маданият саройининг Талимаржон иссиқлик электр станцияси унитар корхонаси касаба уюшма қўмитаси ихтиёрига берилиши нур устига аъло нур бўлди. Ҳозирги пайтда бу маданият масканида кутубхона ва турли тўгараклар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Мурод Ҳазратқулов раҳбарлик қилаётган Талимаржон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият саройи ижодий жамоаси Қарши магистрал канали ва насос станциялари бошқармаси касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда аҳолига намунали хизмат кўрсатаяпти. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бироқ тан олиб айтиш керакки, кейинги пайтда воҳадаги маданий-оқартув муассасалари фаолиятида жиддий камчиликлар ҳам кўзга ташланмоқда. Қарши даштини ўзлаштириш жараёнида бир вақтлар Нишон, Миришкор, Касби, Косон туманлари хўжаликлари марказида қурилган клублар қаровсиз ҳолга келиб қолган.

Касби туманидаги Алишер Навоий номидаги жамоа ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси тасарруфида бўлган қишки клубнинг аҳволи талаб даражасида эмас. Нишон туманидаги Нишон, Пахтазор, Ойдин, Наврўз, Оқолтин, Ширинобод, Самарқанд фуқаролар йиғинларидаги қишлоқ клублари таъмирталаб.

Маданият масканлари ҳузуридаги бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг фаолияти тўхтаб қолган. Клублар қишда иситилмайди. Қишлоқларда барпо этилган ёзги кинотеатрлар қаровсизлиги туфайли бузилиб кетди.

Туманлар марказидаги маданият ва истироҳат боғларини ободонлаштириш, кўнгилочар масканларга айлантириш учун кўрилаётган тадбирлар ижобий самара бермаяпти.

Ёшлар бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун қаерга боришади? Албатта, кинотеатр ва клубларга. Аммо улар ишламасачи? Шундай экан, маданият муассасалари фаолиятини яхшилаш учун мутасадди ташкилотлар раҳбарлари билан бир қаторда тегишли касаба уюшма ташкилотлари ҳам бу ишга жиддий киришадиган вақт аллақачон етган.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Ибрат

Эл билан эр бўлган одам

Эл билан маслакдош инсон ҳамиша қадрланади. Мана шундай эътиборга сазовор бўлганлардан бири навоийлик Чори Қодировдир.

У дастлаб 1973 йили Навоий қурилиш бошқармасида электромонтёр сифатида иш бошлаган эди. Эндигина 16 ёшни қаршилаётган ўспирин учун бу иш ғоятда қизиқарли кечади.

Отаси Рўзибой аканинг бевақт вафотидан кейин 8 ўғил-қизнинг тарбияси оналари Хайринисо опанинг зиммасида қолганди. Ҳарқалай, рўзғорда ҳар бир сўмнинг қадри бот-бот сезилиб турарди.

Кечагидек эсида. Ўшанда орадан 2-3 ҳафта ўтиб-ўтмай ишчиларга аванс пули тарқатилди. Чори илк меҳнат ҳақи — 30 сўмни олиб, тўғри уйга қайтаркан, озиқ-овқат дўкони ёнида 3-4 нафар маҳалладоши билан навбат кутиб турган онасига кўзи тушади. Аёл дилбанди сари пешвоз чиқиб, шундай дейди:

— Саратовнинг оқ унидан келибди, болам. Хамирош қилиш учун озроқ қарзга берармикан деб келгандим...

— Нега қарзга дейсиз, эна? Мана, бугун маош олдим.

— Ростданми? Ўзим ўргилай бўйларингдан. Тупроқ олсанг, олтин бўлсин, болам. Елкамизга офтоб тегадиган кунлар ҳам бор экан-ку.

Она кўзда ёш билан дуога қўл очди.

Икки халта унни уйига олиб келар экан, Чори ўзини анча улғайгандек сеза бошлади. Эзгу ниятларни дилига тугди.

Яхши ният — ярим давлат деган гапда жон бор экан. Ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, Тошкент политехника институтига кириб, муҳандис-механиклик мутахассислиги бўйича сиртдан таҳсил олиш билан бирга Тошкент трактор заводида токарлик қила бошлади. 1982 йилнинг кеч кузида эса малакали мутахассис сифатида диплом билан Навоийга қайтди.

* * *

Инсон ҳаётида энг кўп фойда берадиган нарса — умид. Қай ёшда бўлмасин, одам орзу билан яшайди. 1986 йилга келиб вилоят транспорт экспедициясида автомашиналарга хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи сифатида ишлаётган Чори Қодировга ишонч билдириб, вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасига ишга олишди. Меҳнат-техника нозири сифатида талай эзгу ишларга бош бўлди. Кейинги йилларда эса вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи вазифасини сидқидилдан адо этиб келмоқда.

— Муаммоларни бартараф этишда холислик ва инсонпарварлик муҳим ўрин тутади, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Нормурод Хўжақулов. — Чори аканинг ҳар бир ҳаракатида ана шу хислатлар намоён бўлади. Унинг фаолияти фақатгина агросаноат мажмуи ёки таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгашлари билан боғлиқ деб айтолмайман. Бирлашмада бирор масъулиятлироқ масала юзага келдими, энг ишончлилар сафида Чори Қодировнинг номи ҳам тилга олинади. Сафимизга келиб қўшилаётган ёшлар, айниқса, бошланғич касаба уюшма етакчилари у кабби ишлашларини истардим.

2008 йилнинг 2 май куни Қизилтепа туманидаги «Истиқлол» акциядорлик жамиятида бахтсиз ҳодиса юз берди. Ёлланма ишчи сифатида ишлаётган, 1974 йилда туғилган Тўлқин Худойқулов юқори кучланишли электр токи уриши натижасида ҳалок бўлган. Шундай бўлса-да, жабрланувчининг оиласига товон тўлашда сансоларлик қилинди. Шундан кейин Чори Қодиров вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасининг меҳнат техника нозирлари билан биргаликда ҳодиса тафсилотларини холисона ўрганиб чиқади. Шу жараёнда бахтсиз ҳодиса тўлиқ ишлаб чиқаришга боғланди ва Т.Худойқуловнинг оиласига 6 йиллик ўртача иш ҳақи ҳисобланиб, 3 миллион сўмдан зиёд пул ундириб берилди.

«Навоий ипак қурти» акциядорлик жамияти ишчилари О.Пўлатова ҳамда А.Воселова ҳам касб касаллигига чалингач, ойма-ой тўланадиган зарар пулини ололмай, анча сарсон бўлишди. Уларнинг мурожаатлари Ч.Қодиров томонидан ўрганилиб, ойма-ой тўланадиган зарар 65 минг сўмдан белгиланди ва ундириб берилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

— Инсоний фазилатлар фақатгина касбга муносабат, фидойилик билан ўлчанмайди, — дейди «Маҳалла» жамғармасининг Навоий вилоят бўлими бошқаруви раиси Дўстмурод Холиқов. — Чори Қодиров жамоатчилик асосида ҳам талай ишлар ташвиши билан юради. У ўзи яшаётган Навоий шаҳар «Бунёдкор» маҳалла фуқаролар йиғинининг фаол аъзосидир. Маҳалла ҳашарида, тўй-маъракаларда, байрамлар ва аҳолининг тинч-тотув яшашини таъминлашда фаоллик кўрсатиб келади. Тўғри йўл-йўриқ кўрсатиш ҳам меҳр-оқибат белгиси эмасми?

Бундай таърифдан кейин ошиқча сўз айтишга ҳожат ҳам қолмагандай. Зеро, инсонларга наф келтириб яшашдан ортиқ бахт борми?

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Матонат

Урганч шаҳрида соатсоз уста Ферузбек Атоевни кўпчилик танийди. Бир неча бор ўз соҳаси бўйича кўрик-танловларда иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган. Соат тузатишда унга етадиган йўқ. У ҳақда сўз кетганда, ногиронлигини, қўлтиқтаёқда юришини таъкидлаш ортиқчадек туюлади. 26 ёшли йигит ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси деб ҳисоблайди. Атрофдагиларга, эл-юртга нафи тегаётганидан фахрланади.

«Ўзимни ногирон деб ҳисобламайман»

— Инсоннинг бахтли бўлиши учун бундан ортиқ яна нима керак, — дейди у.

Этикдўз Шодурди Индаминовни нафақат «Хўжалик» қишлоғидагилар, балки бутун Боғот туманидагилар яхши танийди. Буюртмаларни ўз вақтида сифатли бажариши билан одамлар ишончини ва ҳурматини қозонган.

— Назаримда тангрим оёқларимнинг ҳаракатини ҳам қўлларимга бергандай, — дейди Шодурди. — Тўрт мучаси соғ бўла туриб, бирон ҳунарнинг этагини тутмаган, ҳеч қаерда ишламай ота-онасига боқиманда бўлиб ўтирган тенгқурларимга ачинаман.

Урганч туманилик Одамбой Матсапоев ажойиб рассом. Айниқса, портрет жанридаги асарлари мухлисларга манзур. У илгарилари ногиронлар аравачасидан фойдаланарди. Вилоят ногиронлар жамияти кўмагида операция қилинганидан кейин, қўлтиқтаёқда юриш имконига эга бўлди.

Вилоят ногиронлар жамияти бугунги кунда 42 мингдан зиёд аъзони ўз атрофида бирлаштирган. Уларнинг 8 мингдан ортиғини 16 ёшгача бўлганлар ташкил этади.

Жамият томонидан аъзоларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, саломатликларини мустаҳкамлашга кўмакдош бўлиш борасида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда ногирон болаларнинг 890 нафари уй шароитида, 1178 нафари махсус мактаб-интернатларда таҳсил олмоқда. Ҳар йили даволаш-профилактика муассасаларида минглаб ногиронлар тиббий реабилитация курсларидан ўтказилади. 800 дан ортиқ муҳтож ногиронлар протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация техник воситалар — ногиронлар аравачаси, эшитиш аппаратлари, қўлтиқтаёқ, ҳассалар билан бепул таъминланадилар.

1100 нафар ёлғиз қария, пенсионер ва ногиронлар ижтимоий хизмат билан қамраб олинган. Хивадаги «Мурувват уйи»да эса 150 дан ортиқ қариялар ва ногиронлар давлат қарамоғига олинган.

— Юртимизда ҳиммати баланд инсонлар кўп, — дейди вилоят ногиронлар жамияти раиси Саида Қурбонова. — Улар имконияти чекланган элдошларимиздан ўз кўмакларини аямайдилар.

Ҳар куни Саиданинг олдига ўнлаб кишилар мадад сўраб келадилар. Жамият раиси уларнинг арзига қулоқ тутиб, муаммоларини тегишли ташкилотлар билан биргаликда ҳал қилиш чораларини кўради.

Жамиятдаги тўрт йиллик фаолияти давомида Саида Қурбонова бир қатор эзгу ниятларини амалга оширишга эришди ҳам.

2006 йили янгибозорлик Ҳамиджон исмли иқтидорли бола билан суҳбатлашгач, унинг имкониятларини кенгайтириш истаги туғилди. Ўша йили Ҳамиджон «Мафтункор ранглар жилоси» танловида фаол иштирок этганди. Одатда бу кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланма олган ёшларга бир мунча имтиёзлар ҳам берилади. Ҳамиджонни Тошкентдан ногиронларни реабилитация қилиш маркази шифокори Абдуқаюм Аблоқулов ўспиринни текшириб кўргач, Ҳамиджонга ёрдам бериш имконияти борлигини айтди. Саида боланинг онасига шифокорнинг таклифини, Ҳамиджонни операция қилдириш лозимлигини айтганида, она андак чўчиди. Саида бунга жавобан, сиз ўзингизни ярим соатгагина Ҳамиджоннинг ўрнига қўйиб кўринг, операциядан сўнг кўпи билан бир-икки ой қийналади, бу бутун умр азоб чеккандан яхши-ку, дея қаттиқ турди. Ниҳоят, бирон гап бўлса масъулиятни бўйнига олишини, бир-икки йил ичида операция қилдирилмаса, кейин бундай имконият бўлмаслигини айтиб, Ҳамиджоннинг уйидагиларини кўндирди. Шифокорнинг билим ва маҳорати туфайли операция муваффақиятли ўтди.

— Ўшандаги ҳаяжонимни таърифлаб беролмайман, — ҳикоя қилади Саида. — Кечалари ухламасдан тангридан Ҳамиджонга саломатлик тилагандим.

Яхши ният — ярим давлат. Дуолар ижобат бўлиб, Ҳамиджон қўлтиқтаёқда юрадиган бўлди.

— Юра бошлагач, биласизми, у нима қилган, — жилмаяди Саида. — Уйидагиларга энамни кўриб келаман, деб мактабга ўқишга борган.

Саида Қурбонова фаолиятида бундай воқеалар кўп бўлиб туради.

— Менинг мақсадим жамиятимиз аъзоларининг ҳеч бири ўзини ногирон деб ҳисобламасин, жамият билан фаол муносабатда бўлсин, — дейди у.

Бу йил «Мафтункор ранглар жилоси» кўрик-танловининг вилоят босқичида 40 дан зиёд иқтидор соҳиблари ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. 70 га яқин болалар эса кузатувчи сифатида таклиф қилинди. Танловга келган 100 дан ошиқ болаларга «Нью Хоуп яхшиликка умид» республика ногиронларни соғломлаштириш маркази томонидан протез-ортопедия маҳсулотлари ва реаблитация техник воситалари-ногиронлар аравачаси, эшитиш аппаратлари, қўлтиқтаёқ, ҳассалар мурувват ёрдами тариқасида топширилди.

Айни пайтда жамият қошида ташкил этилган компьютер ўқув марказида сабоқ олишга иштиёқманд ёшлар сони ошиб бормоқда. Жамият томонидан бу ёшларнинг иш билан таъминланиши ҳам алоҳида эътиборга олинган. Битирувчилардан бири янгибозорлик Райҳон Рахимбоева жамиятнинг ўзига иш юритувчи қилиб ишга олинди.

Ҳар байрамда жамият томонидан ногиронлар учун байрам дастурхони ёйилиб, совға-саломлар берилади. Жамият халқаро ногиронларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан 100 дан ошиқ 1-гуруҳ ногиронларининг хонадонларига ташриф буюриб, совғалар тақдим этади.

— Бизга кўмакдош бўлаётган «Экосан» жамғармаси вилоят бўлими, «Кока-кола» компанияси, «Хоразм пилла» жамоалари ва яна кўплаб олийҳиммат ташкилотлар, инсонлардан миннатдормиз, — дейди Саида. — Улар кўмагида фаолиятимизни янада жонлантириш, ногиронлар учун янги дастурларни амалга ошириш чораларини кўряпмиз. Танаси эмас, виждони заиф одам ногирондир, дейишади машойиҳлар. Ана шундай аҳволга тушишдан сақласин.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Одам ва одам

Воқеалар
Тафсилотлар

Газ транзити мониторинги

AFP агентлигининг Еврокомиссия матбуот хизмати хабарига асосланиб маълум қилишича, Россия газини Украина ҳудуди орқали етказиб бериш устидан мониторинг олиб бориш тўғрисида келишувга эришилган. Шу муносабат билан Еврокомиссия рус газининг Европага етказиб берилишини иложи борича тезроқ тиклашни сўрамоқда. Чунки бундан илгарироқ украин томони газ транзитининг тикланиши Россия газ юборишни бошлашига боғлиқ эканлигини билдирган эди.

Европалик кузатувчиларнинг Украинага киритилишига рухсат берувчи келишув «Нафтогаз» (Украина) ва ЕИ ўртасида 8 январ куни имзоланган.

Шунчаки қизиқиш туфайли



«Zillow.com» консалтинг агентлигининг маълумотига қараганда АҚШдаги Оқ уйининг баҳоси ўтган йили 23 млн. доллар арзонлашиб, 308 млн. долларга етган. Шунга қарамай умумий майдони 5100 м² бўлган мазкур бино мамлакатдаги энг қиммат қароргоҳ бўлиб турибди.

«Zillow.com» АҚШдаги турар-жойлардан деярли 90 фоизининг қийматини баҳолаш билан шуғулланади. Бунда уйлар сотилиши ҳақидаги эълонларга асосланилади.

Компания вакилларининг айтишича, улар Оқ уйни шунчаки қизиқиш туфайли баҳолашган.

Нозим Ҳикмат — Туркия фуқароси

Йигирманчи асрнинг атоқли турк шоири Нозим Ҳикмат (1902-1963) вафотидан 45 йил ўтгандан сўнг Туркия фуқаролигига тикланди. Бу ҳақда АР агентлиги хабар тарқатди.

Ҳукумат шоирнинг хокини Москвадаги Новодевичье қабристонидан ватанига қайтариш ниятида. Аммо бу масалани шоирнинг ўғли Меҳмет Ҳикмат ҳал қилади.

Шоир, таржимон, публицист Нозим Ҳикмат коммунист бўлган. Халқни исёнга чорлагани учун 1938 йили 35 йилга қамалган. Аммо 1950 йили халқаро жамоатчиликнинг талабига биноан озод қилинган. Шундан сўнг Руминия орқали СССРга қочганлиги боис у Туркия фуқаролигидан маҳрум қилинган эди.

Олис урушнинг садоси



Полшанинг шимолидаги Малборк шаҳрида 1945 йили ҳалок бўлган 1800 га яқин немиснинг хоки эксгумация қилинди. Улар 2008 йилнинг октябр ойида шаҳар марказидаги ҳашаматли меҳмонхона қурилишида аниқланган эди.

Маҳаллий амалдорнинг гапига қараганда ҳар ўнинчи жасаднинг бош суягида ўқ изи бор. Қолганлари очлик, совуқ, бомбардимондан ҳалок бўлишган.

Полшада ушбу ҳодиса юзасидан тергов ишлари бошланди.

Эслатиб ўтамиз, Малборк иккинчи жаҳон уруши тугагунига қадар Германияга қарашли бўлиб, Мариенбург деб аталган. Урушдан кейин Полшага берилган. 1945 йилнинг баҳорида у ерда шиддатли жанглар бўлиб ўтган.

Интернет хабарлари асосида
Ҳасан НИШОНОВ тайёрлади

«Чинобод» санаторийси ОАЖ раҳбарияти санаторийнинг даволовчи шифокори Н.Б.Қодировага отаси
БЕКТОШ аканинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Одатимиз қизиқ. Ўзимиздан улуғ кўринган киши олдида одоб сақлашни, ҳурмат бажо келтиришни жойига қўямиз. Ким бўлмасин, у улуғ ёшли инсон ахир.

Қароқчи чоллар

Иснод

Бобохон Абдуллаев ҳам Самарқанддан қўним топганида, одамлар кўзига ҳурматга сазовор ёшуллари сифатида кўринганди. Кўпчилик тақдир тақозоси туфайли келиб қолганман, деган сўзларига чиппа-чин ишонган. Асли Хоразм вилоятининг Хонқасидан бўлган бу кимса кўнглида гап кўп эди. Бир бева аёл хонадонидан қўним топиб, у билан тақдирини ҳам боғлади. Унинг ўзини кўпни кўргандек тутиши, тижорат мақсадида гоҳо воҳага, гоҳо туману шаҳарларда изғиши одатий ҳолга айланди. Аслида тирикчиликнинг айби йўқ. Бироқ Бобохон Абдуллаев бизнесмен ҳам, даллол ҳам эмас, балки ўғри эди. Қинғир йўли уни панжара ортига етаклаган, жазони ўтаб ҳам тафтини босмаганди. Тарки одат амри маҳол, деганларидек Самарқандга келиб ҳам фақат ўлжа илинжида бўлди.

Ўғри пайт пойлайди, дейишади. Бобохон Абдуллаев ҳам ана шундай дақиқалар ошуфтаси эди. Қиш эрта келиб, совуқ забтига олган кунлар. Айниқса, тунлари эшик ҳатлаш малол келади. Ана шундай кунларнинг бирида, аниқроғи, феврал ойининг бошида у «ов»га чиқди. Норасмий рафиқасига тегишли «Газ-3129» русумли «тулпор»нинг жиловини Жомбой тарафларга бурди. Бир вақт қарасаки, нақ тумшуғидан дўкон чиқиб турибди. Атрофда сукунат ҳукмрон. У илгаритдан тайёрлаб қўйган анжомлар билан қулфни бузиб, ичкарига мўралади. Не кўз билан кўрсинки, пештахталарда «Нексия», «Дамас», «Матиз» ва бошқа енгил автотранспорт воситалари эҳтиёт қисмлари қалашиб ётарди. Ўзи миниб келган «бедов» кўтарганича эҳтиёт қисмларни олиб кўздан ғойиб бўлди.

Осон келган бойликни аямасдан совурди. Таралла-бедод кунларнинг ширин нафаси яна овга ундарди. Аммо назарида бир ишончли шерик бўлса, иш янада юришадигандек туюларди. Танишларини бир-бир кўз ўнгидан ўтказди. Унинг етовига юрувчилар йўқ ҳисоби. Фақат Пойариқ туман Эшимоқсоқ қишлоғилик қамоқда бирга қатиқ ялашган Худойберди Ўтанов йўриғига юриши мумкин. Кўр-кўрни қоронғида топади. Худойберди ҳамтовоғи таклифини бажонидил қабул қилди. Иккови Гулистон қишлоғидаги дўконга ўғриликка тушиб, 200 минг сўмлик ашё, 120 минг миқдоридаги нақд пулни ўмариб кетишди. Май ойининг ўрталарига келиб иштаҳа янада очилиб кетди. Жомбой туманидаги Бойбоқиш қишлоғидаги хусусий дўкондан ҳам 130 минг сўмлик маҳсулотлар шилиб чиқилди.

Қилмишлари очилмаётгани шумқадамларни илҳомлантирар, янги-янги режалар тузишга ундарди. Нима кўп — хусусий дўкон кўп. Ўз мулки хавфсизлигига бепарволарни тунаш хамирдан қил суғургандек туюларди. Ёзнинг чилласида навбатдаги ташриф Челак шаҳрига бўлди. Бу ерда ҳам бир хусусий дўконга бош суқиб, 300 минг сўмлик музлаткични ўмаришди. Шундан сўнг Қўтирбулоқ, Ўртасарой қишлоқларидаги дўконларни ҳам тунашди.

Пойариқлик изқуварлар ҳам анойи эмас экан. Ишни очиш, ўғриларнинг гирибонидан тутиш учун пухта режа тузилди. Кенг жамоатчилик мададига таянилди. Ҳар бир ҳодиса таҳлил этилиб, жиноятлардаги услуб бир хиллиги тасдиқланди. Ўғрилар эса сирлари фош бўлмаганидан хотиржам юрарди. Уларнинг қувончи узоққа чўзилмади. Ашёвий далиллар асосида қилган жиноятлари исбот топди. Баднафслик икки қарияни қора курсига ўтқазди.

Жиноятга жазо муқаррарлигига улар яна бир карра шоҳид бўлишди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ishonch 2009-yil 10-yanvar № 4 (2573)

Топганингиз тўйга буюрсин



Ҳалим ака уста-дурадгор бўлса-да, эрта баҳордан то кузгача ижарага ер олиб, деҳқончилик қилади. Ўртаҳол оилалардан. Ҳалол топган ризқи билан рўзғор тебратади.

Мулоҳаза учун мавзу

Уч кун илгари Ҳалим ака катта қизини турмушга бераётганини айтиб, тўйга таклиф қилиб кетганди. Яна кириб келганини кўриб ҳайрон бўлдим.

— Мебел олиш керак экан, — деди у хижолат чекиб. — Бироз қўлимиз калталик қилиб турибди. Ер ёнғоқни сотсам узаман! Ёки анови сигирни сотиб бераман...

Афсуски, Ҳалим ака сўраган маблағ менда ҳам йўқ эди. Биргалашиб пул излашга тушдик. Аммо «ўзингда йўқ, оламда йўқ», дегани рост экан. Охири Ҳалим ака сигирини сотишга аҳд қилди. Агар шу куни пул топиб, эртага бозорга чиқиб мебел олмаса, тўй кечикади.

Ҳалим ака билан бирга қишлоқ даллоли эшигини тақиллатдик. У ҳозир мол бозорда жуда сероблигини рўкач қилиб, ўзини анча «бозор»га солди-ю, охири сигирни кўришга рози бўлди.

Ҳалим аканинг говмишини ўзимча «бир ярим миллионга олса керак», деб тахмин қилдим. Ҳеч бўлмаса, бир миллион берса керак, ёнида бузоғи ҳам бор-ку!

Сигир ва бузоқни обдон текширгач, олиб-сотар унинг нархини сўради. Ҳалим ака бозорни билмаслигини айтди. Аммо қўшнилардан бири «Нархи бир ярим миллион сўм» деганлигини гап орасида қистириб қўйди.

— Эрталаб ва кечқурун бир пақирдан сут беради. Жуда яхши сигир-да, жонивор.

Савдо бошланди. Охири харидор 580 минг сўмдан ортиқ беролмаслигини айтиб, кўчага отланди. Ҳалим ака чорасиз эди. Орага яна ҳалиги қўшни тушди.

— Ҳеч бўлмаса олти юз бер, тўйга сарфлайди.

Харидор яна 10 минг сўм қўшди. Ҳалим ака сигири ва бузоғини етаклаб, олиб-сотарникига элтди-ю, пулни олиб келди.

— Майли, мол топилади. Ор-номусни пулга сотиб олиб бўлмайди. Қизимни йиғлаганини кўриб чидаб туролмадим, — деди ҳасрат билан.

Тўғриси, Ҳалим акага ачиниб кетдим. Ахир яна 4 та қизи бор. Қиличини яланғочлаб қиш келяпти. Бир ёқда яна турмуш ташвишлари...

Шу сабаб бўлди-ю, тўйни бошдан охиригача синчковлик билан кузатдим. Ана стол-стулларни олиб келишди. Тракторчига пул тутиш керак. Ҳофизлар ҳам келишди, уларга ҳам... Капгирини ўйнатаётган ошпазлар ҳам бекорга ишламайди. Шу тобда чироқ ўчди. Генератор топиш керак. Ёки туман электр тармоғига бир-икки сўм деганларидек.

«Сабзитўғрар» бошланди. Қишлоқнинг ярми шу ерда. Эрталаб катта қозонларда ош дамланиб, маҳалла аҳли чақирилди. Одат шунақа... Хуллас, бу тўй эмас, чўнтагингни қуритадиган мусиқали томоша.

Илгарилари қишлоғимизда тўйлар анча ихчам ўтарди. Қиз чиқаришда бунча кўп харажатлар бўлмасди. «Сабзитўғрар» эрталабки ош бериш, кундузги «коллектив» деганлари йўқ эди. Шаҳардаги урф-одатларни ҳавас қилган орзумандлар қиз чиқаришни ҳам катта томошага айлантиришди. Яна мебел бериш-чи? Бунақа одатлар пойтахт аҳолисида борлигини эшитардик. Эндиликда, Фарғонанинг чекка қишлоғига ҳам шунақа «анъана»лар кириб келса-я.

Қизиғи, сизни бунга ҳеч ким мажбурламайди. Буни ўз-ўзидан бажарасиз. Нимаям дердик. Топганингиз тўйга буюрсин! Ўлиб-тирилиб ишланг-да бир кунда, кўкка совуринг! Пулингиз етмаяптими, қарз олинг! Мебел олиб беринг, қизингиз бахтли бўлади. Акс ҳолда...

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Кўнгилдан кечган ўйлар

Қишлоқдан пойтахтга келганимда бўз, тўпори йигит эдим. Мансаб деганлари одамни анча ҳаволатиб юбораркан. Қишлоқда йўлимга кўз тикиб ўтирган ёлғизгина онажонимни бирров бориб кўришга вақт ажратмадим. Меҳрибонгинам укамга айтиб қўнғироқ қилдирса, «иш кўп» дея баҳона қидирардим...

Бугун хотин, бола-чақани олиб бозорга тушдим. Шу пайт қулоғимга дардли бир маҳзун қўшиқ эшитилди.

Бозорлардан савдо қилдим боламга деб,
Ширинлигу новвот олдим боламга деб,
Гўзал гуллар, сарпо олдим ёримга деб,
Мен бағритош нима олдим онамга деб,
Фарзанд бўлиб нима олдим онамга деб,
Хокисорим, меҳрибоним онамга деб,
Ёлғизгина ғамгузорим онамга деб...

Нима қилдим онам учун?

Бу маҳзун ашулани эшитиб жойимдан ҳам жилолмай қолдим. Хотинимга қарадим. У ҳам мендан баттар аҳволга тушиб, ер чизиб қолди. Бир амаллаб ўзимда журъат топиб, кассеталар сотаётган йигитнинг ёнига бордим:

— Ука, мана шу кассетангдан биттасини бер!

...Ҳовлимизга келган заҳотиёқ магнитафонга бояги кассетани қўйдим. Уни эшитиб, болалигим ёдимга тушди. Укам иккаламиз байрамларда, туғилган кунларда, албатта, онажонимизни хурсанд қилгимиз келарди. Дўкондан бирон нима олиб берайлик десак, пулимиз бўлмасди. Қоғоздан ёки картонлардан гуллар, капалаклар ясаб, тагига исмларимизни ёзиб табриклардик. Шаҳарга келиб, ўқиб, ишлаб, қўлимга жарақ-жарақ пул тушганидан сўнг эса онамга лоақал битта рўмол олиб боришни ҳам эп кўрмабман. Эҳ, мен ношуд! Ахир онажоним бизларнинг бахтимизни ўйлаб, ўгай ота турткисини емасин, дея иккита бола билан қолганини англамабман ҳам. Оила қургач, нуқул хотинимни, болаларимни ўйлабман. Камқувввват бўлмасин, дея фарзандларимнинг оғзидан чиққанини муҳайё қилибман. Аммо онам учун... Магнитафонга тикилганимча, қўшиқнинг давомини эшита бошладим.

...Йилда бир маротаба қишлоққа бориб, худди ёв қувгандек яна машинамизда ортимизга қайтадиган бўлдик. Меҳрибонгинам биз учун, болаларим учун эринмасдан ширин кулчаю патирлар ёпарди. Кейин қўярда-қўймай тўрт донасини дастурхонга ўраб қўлларимга тутса, мен нотавон қўлларини қайтарибман. «Қизиқсиз, ойи! Шаҳар тўла нон бўлса. Нима бизни оч ўтирибди, деб ўйлаяпсизми?» дебман. Шунда ҳам волидам кулибгина «Болам, қишлоқнинг нони бошқача бўлади. Атайлаб сут солиб қилганман. Битта еб кўргин, мазаси оғзингда қолади. Болалигингда қачон кулчам пишади, деб холи-жонимга қўймасдинг», деганди.

Ўзи емай едирган ҳам онам эди,
Ўзи киймай кийдирган ҳам онам эди,
Йўлларимга кўз тутган ҳам онам эди,
Қўлин очиб дуо қилган онам эди
Бу дунёда чин дўстим ҳам онам эди,
Ёлғизгина чин дўстим ҳам онам эди...

Болалигимда онамнинг кўпроқ уйда бўлишини хоҳлардим. Эрталаб уйқудан уйғонганимда аллақачон меҳрибонгинам нонуштани тайёрлаб, ўзи ҳовлидаги юмушлар билан овора бўлиб юрарди. Кейин апил-тапил бизни овқатлантириб, елкасига кетмонни ташларди-да далага йўл оларди. Онам бечорани бирор маротаба янги кўйлак кийганини кўрмаган эканман. Доим бизларга уст-бош олиб берарди. Эрталаб қаймоқни ҳам бизнинг ёнимизга суриб қўярди-я.. Унинг нега бундай қилаётганини ўйлаб ҳам кўрмабман... Ёш бўлишига қарамасдан юзларига тарам-тарам ажин тушган, қўллари меҳнатдан қабариб кетган онамни гоҳида шаҳарлик аёлларга таққослаб кўраман. Ўша қадоқ қўлларни шунчалик қўмсайманки... Бу қўлларнинг ўз тафти бор эди...

Кунларим файзли бўлиб борар, онамнинг дуолари мени ҳар дам қўллаб турарди. Бироқ мен онамни кундан-кун эътиборсиз қолдирардим. Бугун ана шу оғриқ кўнглимни ўйдек тешиб ўтмоқда: Онам учун нима қилдим?

Хонбиби ҲИММАТ қизи

Уйда агар эркак бўлмаса

(Ҳазил)

Бир кунингиз ўтар аёллар,
Теша ёки курак бўлмаса.
Яшаш қийин, чулғар хаёллар,
Уйда агар эркак бўлмаса.

Сопсиз ётар тешангиз ойлаб,
Қўёлмайсиз итни ҳам бойлаб.
Кун санайсиз қўрқувни жойлаб,
Уйда агар эркак бўлмаса.

Тингламайди ака-укангиз
Дардингизни кимга тўкасиз,
Кимни тергаб, кимни сўкасиз,
Уйда агар эркак бўлмаса.

Билолмайсиз кимга нолишни,
Кимга атаб жой ҳам солишни,
Ғижимлайсиз шўрлик болишни,
Уйда агар эркак бўлмаса

Гап сотасиз қўшни аёлга,
Жавоб йўқдир оддий саволга,
Бош чулғонар минг хил хаёлга,
Уйда агар эркак бўлмаса.

Уйга кир, деб сўрар одам йўқ,
Юролмайсиз доим кўнгил тўқ.
Бош оғрийди ташвишдан лўқ-лўқ,
Уйда агар эркак бўлмаса.

Кимга керак ўсмаю пардоз,
Кимга керак сиздаги шўх ноз.
Ҳаёт оппоқ, кимсасиз қоғоз,
Уйда агар эркак бўлмаса.

Ж. ТУРДИЕВ,
Уруш ва меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Рассом хандаси

Рассом: Ҳусан СОДИҚОВ

Ўқинг, қизиқ!



Турли миллатларда ҳар хил ҳайвонлар муқаддаслаштирилади. Масалан, ҳиндлар сигирни муқаддас деб билса, японлар турнани, хитойлар эса афсонавий жонзот — аждарни тотем сифатида қадрлашади. Хўш, бошқа жонзотлар, жумладан, итларга инсоният қандай муносабатда бўлган?

Ит вафоми ёки...

Қадимги Миср халқлари итни муқаддас деб билган. Унинг думи қай ҳолатда ва қанча вақт ликиллашига қараб уй эгасининг тақдири хусусида башорат қилганлар. Уларнинг наздида, ит фоний ва боқий дунёни боғлаб турувчи восита ҳисобланган. Маҳаллий халқнинг ишонч билан эътироф этишича, итлар одам боласининг қай тахлит жон таслим қилишини олдиндан билар, шунингдек, охиратдан ҳам яхшигина хабардор эмиш. Шу боис қадимги Мисрда ит ўлса, эгалари унинг учун мотам тутган, қора кийишган, ҳатто эркаклар сочларини қириб, бир неча кун овқатланмай юришган. Жоҳилият даврига хос бундай муносабатнинг айрим кўринишларини бугун ҳам учратиш мумкин.

Тарих саҳифаларини варақлар эканмиз, ҳатто баъзи даҳолар, ўз даврининг машҳур инсонлари ҳам итга ўзига хос муносабатда бўлганини кўриш мумкин. Хусусан, Суқрот агар одамлар унинг сўзларига ишонишмаса, итининг номи билан қасам ичган.

Рус подшоси Пётр I ҳам итини жуда қадрлагани манбалардан маълум. Нақл қилишларича, бир куни у бегуноҳ бир одамни дорга осмоқчи бўлади. Сарой аъёнларининг уни бу йўлдан қайтариш борасидаги ҳаракатлари зое кетади. Қайсар ҳукмдор ўз фикрида қатъий туриб олади. Ҳатто бу борада умр йўлдошининг ҳалимликбилан қилган илтимоси ҳам эътиборсиз қолдирилади. Эрининг халқ нафратига мубтало бўлишидан ташвишланган малика уни бу йўлдан қандай қайтаришни билмай роса боши қотади. Шунда миясига ажойиб фикр келиб қолади. Шу заҳоти тегишли мазмундаги хатни ёзиб, уни Пётр I яхши кўрадиган итнинг бўйнига боғлаб, сарой боғига қўйиб юборади.

Ҳордиқ чиқариш мақсадида боғ сайрига чиққан ҳукмдор севимли итини эркалаётиб, бўйнига боғлоғлиқ номани топиб олади ва унга кўз югуртиради: «Хўжайин, анави бечора мискиннинг бир қошиқ қонидан кечинг. Аслида у жиноятчи эмас, шунчаки шўрпешона, холос. Сиздан уни авф этишингизни ўтиниб сўрайман. Умидвор бўлиб жонажон итингиз Лизетта».

Хатни ўқигач, Пётр I маҳкумга шафқат кўрсатган экан.

Жамшид НИЁЗОВ

Футбол

Ким қанча туради?

Футболчиларнинг трансфер нархларини эълон қилиб борувчи «transfermarkt.de» сайти ўтган йилнинг охирги маълумотларини эълон қилди. Унга кўра, Осиё қитъасида Австралия терма жамоаси ўйинчилари умумий ҳисобда энг қимматбаҳо деб топилди. Миллий терма жамоамиз эса бу борада еттинчи поғонадан ўрин олди. Эътиборлиси, футболчиларимизга берилган баҳо борасида биз жаҳон чемпионати саралаш босқичида бир гуруҳда қатнашаётган Қатар ва Баҳрайнни ортда қолдиришга эришдик. Ўзбекистоннинг энг қимматбаҳо ўйинчилари учлигини эса Максим Шацких, Виталий Денисов ва Сервер Жепаров бошқариб турибди. Сайт ижодкорлари Максимни 2 340 000, Виталийни 1092000, Серверни эса 234000 фунт-стерлинг қийматида баҳолашган.

Рақиблар маълум

Дубайдаги «Emirates Group» қароргоҳида 2009 йилги Осиё чемпионлар лигасининг гуруҳ босқичига қуръа ташлаш маросими ўтказилди. Қуръа натижасига кўра, Ўзбекистоннинг янги чемпиони «Бунёдкор» бу йилги ОФК чемпионлар лигасининг «D» гуруҳида қатнашади. Кейинги босқичга чиқиш учун «қалдирғочлар» БААнинг «Аш-Шабоб», Эроннинг «Сепахон» ва Саудия Арабистонининг «Ал-Иттифоқ» жамоалари билан кураш олиб борадиган бўлишди. Осиё чемпионлар лигасининг ягона доимий иштирокчиси Тошкентнинг яна бир клуби «Пахтакор» эса «А» гуруҳида «Ал-Ҳилол» (Саудия Арабистони), «Ал-Аҳли» (БАА) ва «Саба Баттери» (Эрон) жамоалари билан чорак финалга бериладиган икки йўлланма учун курашади.

Таъкидлаш лозимки, бу йилги баҳсларда нафақат жамоалар сони, балки мусобақанинг ютуқ жамғармаси ҳам кўпайтирилди. Турнир ғолиби бош совринг билан бирга 1,5 млн, финалчи 750 минг АҚШ доллари билан мукофотланади.

Ҳамюртимиз «Рубин»да

1992 йилда туғилган футболчилардан ташкил топган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ҳужумчиси Аюбхон Ғаффоров Қозоннинг «Рубин» клубига ўтмоқда. Истеъдодли ҳужумчи қозонликларнинг ўринбосарлари таркибида машғулотларда иштирок этди ва уйига қайтди. Энди Ғаффоров ўзининг янги клуби сафига 14 январ куни Москвада старт оладиган МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари кубогида қўшилиши кутилмоқда.



Шацких «Динамо»дан кетадими?

Киевнинг «Динамо» клуби ҳамда Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳужумчиси Максим Шацкихнинг янги мавсумда клубини алмаштириши юзасидан турли миш-мишлар тарқалди. Навбатдаги гап-сўзларга кўра, у айни пайтда яна бир ўзбекистонлик футболчи Виталий Денисов тўп сурадиган «Днепр»да кўрикдан ўтмоқда. Аммо бу хабарни Шацкихнинг ўзи биринчи маротаба эшитаётганлигини таъкидлади.

Акмал АБДИЕВ тайёрлади

Инсонга наф келтириш — олий бахт
O'K.U.F. F.T.U.U.

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib), Ma`mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AllAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog`indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-87-73
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-03-90

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Nashr ko`rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A.Qodirova
Navbatchi:
A. Abdullayev
Musahhih:
N.Mahaмov

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchilar: H.Abdujalilov va Y.Mixaylovskiy

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 21.00

Буюртма Г — 15

19869 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002